БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 52 (1830) | 14 март, сешанба, 1961 йил | Баҳоси 2 тийин

КПСС XXII СЪЕЗДИ шарафига

Чирчиқдаги пойафзал фабрикасининг коллективи бу йил ўтган йилдагига нисбатан 396 мини жуфт кўп оёқ кийимлари ишлаб чиқаришга бел боғлаган. Пойафзалчилар йил бошидан бери оёқ-кийимнинг 15 хил янги моделини тайёрладилар, уларнинг 9 таси ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Суратда: фабрика цехларининг бирида.

В. Баскаков ва В. Кожевников фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЁШ КОММУНИСТЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ—МУҲИМ ВАЗИФА

Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даврига — коммунистик жамият қуришни кенг авж олдириш даврига дадил қадам қўйган ҳозирги вақтда партиямиз меҳнаткашлар оммасини олдимизда турган улуғвор вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун курашга сафарбар этиб, ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишларни ҳар томонлама такомиллаштирмоқда. Коммунистлар эса ўз партиявий бурчларини чуқур ҳис этганлари ҳолда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида кенг қулоч қўйган ижодкор халқ ҳаракатининг ҳамиша олдинги сафида бормоқдалар.

Партия сафларининг монолит бирлиги, унинг ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва совет зиёлилари илғор кишилари ҳисобига ўсиб бораётганлиги ҳамда ҳар бир коммунист халқ ва давлат манфаатлари йўлида сабот-матонат кўрсатиб ишлаётганлиги совет кишиларининг ўз севикли партиясига чексиз ишончи, битмас-туганмас садоқати ва меҳр-муҳаббатини тобора оширмоқда.

Партия аъзоси деган улуғ ном кураш ва ғалабаларимизнинг символи, фидокорлик, ақлидрок ва виждонан покликнинг мукаммал рфодасидир. Миллионларнинг ватанпарварлик ҳаракатига бошчилик киладиган, моддий ноз-неъматларни яратишда шахсан намуна кўрсатиб ишлайдиган энг илғор кишиларгина ана шу шарафли номга муносибдир.

Шу нарса қувончлики, областимиз партия ташкилотларида коммунистлар сони йил сайин кўпаймоқда. унинг сифат состави ишлаб чиқариш илғорлари ҳисобига яхшиланмоқда. Шу билан бирга бу ўз навбатида бошланғич партия ташкилотлари, шаҳар ва район партия комитетлари зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Улар ёш коммунистларни тарбиялаш ишларини яхшилашга, ҳамиша омманинг олдинги сафида борувчи, партия ва халқ ишига садоқатли, ташаббускор кишиларни тайёрлашга даъват этилганликларини сира унутмасликлари керак. Шундай экан, ёш коммунистларни тарбиялаш масалалари билан жиддий шуғулланиш, улар тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиш партия ташкилотларининг бевосита бурчидир.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ёш коммунистлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган ва улар ўртасида ғоявий-тарбиявий ишлар кучайтирилган партия ташкилотларида КПСС аъзолари ва партия аъзолигига кандидатларнинг ҳал қилувчи участкаларда бевосита иштироки таъминланмоқда. улар ўз бурчларини фидокорлик билан бажармоқдалар.

Областимизнинг Қуйи Чирчиқ райони ўтган хўжалик йилини муваффақиятли якунлади. Бу сохада район колхоз, совхозларни ва муассасаларидаги ёш коммунистларнинг хиссаси катта. Район партия ташкилоти ёш коммунистларни тарбиялаш масаласи билан мунтазам шуғулланиб, уларни ҳозирги куннинг мураккаб амалий вазифаларини бажаришга кенг жалб қилмоқда. Ёш коммунистлар билан ишлаш, уларни жамоат ишида актив қатнашишга жалб этиш ва ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш тўғрисида яхши ғамхўрлик қилиниши натижасида район партия ташкилоти ҳисобида стажи ўтиб кетган бironта ҳам партия аъзолигига кандидат йўқ. Район бўйича ўтган йили партия аъзолиги кандидатлигига 128 киши, шу жумладан 30 хотин-қиз қабул қилинган. Уларнинг ҳаммаси партия топшириғи билан таъминланган ва сиёсий маориф системасидаги тўгаракларга жалб этилган.

Бироқ ҳамма район ва шаҳар партия ташкилотлари ҳам партия сафини ишлаб чиқариш илғорлари ҳисобига ўстириш, ёш коммунистларни тарбиялаш тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилаётирлар, деб бўлмайди. Бўстонлик ва Калинин районларида ёш коммунистлар билан ишлаш айниқса ёмон аҳволда. Бу районлардаги бир канча партия ташкилотларида кандидатлик стажи ўтиб кетганлар сони кўп. Ёш коммунистларнинг бир қисмига конкрет партия топшириқлари берилмаган, уларнинг сиёсий савияларини ошириш билан жиддий шуғулланилмаётир. Бўстонлик районида 39 ёш коммунистнинг кандидатлик стажи ўтиб кетган. Улардан 13 кишининг кандидатлик муддати узайтирилган. колган 26 кишининг тақдири билан на бошланғич партия ташкилотлари ва на район партия комитети шуғулланади. Октябрь районидаги макарон фабрикаси, лак-бўёқ заводи, Охунбобоев номли тикув фабрикаси, Ленин районидаги когоз комбинати, авторемонт, темир-бетон буюмлари заводлари сингари бир катор партия ташкилотлари 1960 йил мобайнида КПСС сафига бironта ҳам кишини кабул килмаганлар. Бу мутлако нормал бўлмаган бир ҳолдир.

Партиямиз ўз сафларининг жипслашганлиги, сиёсий жиҳатдан чиниккaнлиги, сон жиҳатдан ўсганлиги ва ташкилий томонлан мустаҳкамланганлиги билан кучлидир. Мамлакатимизда коммунистик жамиятни муваффақиятли куриш манфаатлари партиямиз сафларининг синалган, ўз меҳнати ва шон-шуҳрати билан умумхалқ ҳурматига сазовор бўлган илғор кишилар ҳисобига янада мустаҳкамланишини талаб килади. Шунинг учун ҳам партия ташкилотлари КПСС уставига катъий риоя килганлари ҳолда партия сафининг ўсишини таъминлашлари, партия аъзолигига кандидатларнинг ўз кобилиятларини кўрсатишлари ва сиёсий савияларини оширишларига ёрдам беришлари керак.

Кандидатлик стажи бўлажак партия аъзоси учун жиддий синов даври эканлигини ҳисобга олиб, шу муддат ичида улар билан системали индивидуал шуғулланиш. КПСС устави, партиямиз Марказий Комитети Пленумларининг карорлари ҳақида мунтазам равишда лекция ва суҳбатлар ўтказиб туриш, ёш коммунистларнинг партия ҳаётига актив иштирок этишларини таъминлаш максадга мувофиқдир.

Ижодкор совет халқи партия XXII съезлини муносиб кутиб олиш ва КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини изчиллик билан амалга ошириш учун астойдил бел боғлаб меҳнат қилмоқда. Партия ташкилотларининг вазифаси — бу сохада ёш коммунистларнинг ижодий активликларини ҳар томонлама оширишдан иборат. Шунга эришмок керакки, ҳар бир ёш коммунист ўз партия ташкилоти томонидан қилинаётган ғамхўрлик ва талабчанликни чуқур ҳис этиб турсин, партия аъзосига хос ажойиб ҳислатларнинг ҳаммасини эгаллаб олсин, унинг садокати, фидойилиги Ватан бахт-саодати йўлида қилаётган меҳнатида яқкол намоён бўлсин.

Марокаш короли таъзиялар учун ташаккур билдирмоқда

МОСКВА, 11 март. (ТАСС). Марокаш короли Ҳасан II СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевга ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга телеграммалар юборди. Король ўзининг бу телеграммаларида Муҳаммад V Ҳазрат Олийларининг вафоти муносабати билан билдирилган таъзиялар учун совет давлат раҳбарларига ташаккур изҳор қилади.

Л. И. Брежнев номига юборилган телеграммада шу икки мамлакат ўртасидаги мавжуд дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш учун ишонч билдирилади.

Тожикистонда Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги комитети

СТАЛИНОБОД, 11 март. (ТАСС). Бугун Тожикистонда ўтказилган таъсис конференциясида Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги комитети тузилди.

Машҳур тожик шоири ва жамоат арбоби М. Миршакаров комитет раиси қилиб сайланди. Комитет составига таниқли давлат ва жамоат арбоблари кирдилар.

Таъсис конференцияси қатнашчилари Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги қаракатининг Қоҳирадаги доимий секретариати номига мактуб юбордилар. Бу мактубда улар Конгонинг содиқ фарзанди Патрис Лумумба ва унинг энг яқин сафдошлари ёвузларга ўлдирилганлигини қаҳр-газаб билан қоралайдилар.

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ Акмолинскка келди

АКМОЛИНСК, 12 март. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев бугун Акмолинскка келди. Н. С. Хрушчев бу ерда Қозоғистон Қўриқ ўлкаси қишлоқ хўжалик илғорлари кенгашининг ишида қатнашади.

Қўриқ ўлка қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгаши

АКМОЛИНСК, 13 март. (ТАСС). Бугун бу ерда Қўриқ ўлка қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгаши очилди. Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев қатнашмоқда.

Кенгашга қўриқ ерлардаги совхоз ва колхозларнинг энг яхши кишилари, олимлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, Қозоғистон партия ва совет органларининг ходимлари, СССР министрликлари ва марказий муассасаларининг раҳбарлари, ҳаммаси бўлиб 1200 дан ортиқ киши келди.

Кенгаш Қўриқ ўлка совхоз ва колхозларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш чоралари тўғрисидаги масалани муҳокама қилмоқда.

Эрталабки мажлисда Қозоғистон Компартияси Қўриқ ўлка комитетининг секретари Т. И. Соколов, Кустанай область комитетининг секретари А. М. Бородин, Шимолий Қозоғистон область комитетининг секретари Н. И. Журин, Кўкчатов область комитетининг секретари С. М. Новиков ва Павлодар области ижроия комитетининг раиси Д. Б. Жангозин ахборот бердилар.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

БИР СЎЗЛИК ҚИЗ

Фабрика қучоғига биринчи марта қадам қўйган кишига сон-саноқсиз механизмларнинг, станокларнинг шовкин-суронлари, албатта, аллақандай ғайри табиий туюлади. Шунча ғалағовур ичида одамлар қандай ишлашаркин, деб дилидан ўтказади, киши.

Маъмура ҳам дастлаб шундай ҳиссиётни бошидан кечирган эди. У ўрта мактабни тугатиб, бу ерга ишга келганида, тўғриси, бироз иккиланди. Ишлаш кийинроқдек кўринди. Шунда Маъмура ҳаётида рўй берган муҳим воқеалардан бирини кўз олдига келтирди...

Кунлардан бир кун комбинат тўқув фабрикасининг ишчиси, ҳозирги умр йўлдоши Исмоилжон билан бирга Тўқимачилар маданият саройидаги адабий кечага келди. Танаффусда Исмоилжон Маъмурани ўрта бўйли, қотмадан келган, ушоққина бир қиз билан таништирди. Бу қиз—машҳур тўқувчи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Садди Пўлатова эди.

Суҳбат давомида Саддихон Маъмуранинг ўқишини, мактабни тугатгач, нима иш қилишини сўраб қолди.

— Комбинатингизга кириб ишласам... қандай бўларкин?

— Жуда яхши ўйлабсиз, албатта келинг, — хурсанд бўлиб деди Саддихон.

Ўшандан бери Маъмура бу машҳур қизга алохида ҳурмат билан қарайдиган, унга ҳавас киладиган бўлиб қолган эди. Мана ҳозир у шу воқеаларни эсларкан иккиланиб ўтирганига ўзидан-ўзи хафа бўлди. «сўз битта, ишлаганим бўлсин» — қарор қилди у.

Маъмурани читга гул босиш фабрикасининг газламаларни сортларга ажратадиган цехига ишга қўйдилар. Станокдан янги чиққан охорининг ҳўли ҳали куриб тугамаган газламалар сортларга ажратилади. Смена давомида 6 минг метр газлама кўлдан ўтади. Бу Маъмурага кўпдай туюлади.

Кунлар ўтиши билан у ўз ишига ихлос кўя борди. Ёнма-ён ишлаётган дугоналари Роза Насибулина, Валентина Шиатова, Лидия Корженковалардан кўп нарсаларни ўрганиб олди. Айниқса, цех бошлиғи Маҳамадали ака Шукуралиев дастлабки пайтларда унинг ёнидан жилмади.

— Иш пайтида диққатни бошқа нарсаларга жалб қилмаслик ва камгап бўлиш керак,— дерди устози.— Масъулиятсизлик бракка йўл очади.

Маъмура тезда ўз дугоналарига тенглашиб олди. Энди у мустақил ишлар эди. Кунданкун унинг меҳнат унуми ҳам оша борди.

КПСС XXII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилган ёш ишчи Маъмура Каримбоева шу кунларда нормадаги 6 минг ўрнига кунига 7 ва 8 минг метргача газламани сортларга ажратмоқда.

— Норма чегара эмас,—дейди у. — меҳнат унумдорлигини аста ошира бориб, етти йиллик илғорлари сафига ўтиш ниятидаман.

Маъмурага ишонса бўлади. Айтганини қилади. Чунки, у бир сўзлик қиз-да!

З. МИРПЎЛАТОВА.
Тошкент тўқимачилик комбинати.

БРИГАДАНИНГ АҲДИ

Цехда меҳнат жўш урмоқда. Ҳамма ўз иши билан банд. Агрегатларнинг шовқини цехни ларзага келтириб турибди.

Мана, «АНВ-4» агрегатининг ёнида ўрта бўйли, қотмадан келган бир йигит ишлаяпти. У агрегатга кабель узатувчи махсус домкратга барабан ўрнатгач, эпчиллик билан кабелнинг учини агрегатга бирлаштирди. Бошқариш пультини бураб юборди...

Бу йигит Тойир Ҳолиқов эди. У бошчилик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси заводда энг илғор бригадалар қаторида туради. КПСС XXII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага биринчи бўлиб қўшилган ўртоқ Т. Ҳолиқов бригадаси шу кунларда ғайратга-ғайрат қўшиб ишлаётир. Бунда бригадирнинг ўзи алоҳида ташаббус кўрсатмоқда. Ундан ўрнак олган ишчилар смена топшириқларини 130-140 процентдан адо этмоқдалар. Чунки, улар съезд очиладиган кунгача йиллик планни бажариб қўйишни дилга жо қилиб олганлар.

Ҳ. АҲМЕДОВ,
«Ташкенткабель» заводи 30-цехининг ишчиси.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

Партиямиз XXII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи прокат цехининг коллективи техника тараққиёти учун курашиб, белгиланган техника тадбирларини ўз вақтида амалга оширишга алоҳида аҳамият бермоқда. Цехнинг старший мастери Ботняев ва завод конструкторлик бўлимининг бошлиги Трешников ўртоқлар мамлакатимиз металлургия саноатининг бошқа корхоналарида қўлланилаётган илғор тажрибаларни ўрганиб, «300» навли стан линияси бўйича қўшимча равишда яна иккита «обводка» аппаратини қўлланиш тўғрисида таклиф киритдилар.

Бу таклиф ишлаб чиқаришга жорий қилингач, яхши самара берди. Илгари металлни прокатлаш учун смена бўйича бир линияда 10 киши ишлар эди. Эндиликда 4 киши бу ишнинг уддасидан чиқаётир. Натижада 24 ишчи бошқа ишлар билан шуғулланадиган бўлди. Қўшимча «обводка» аппаратларини қўлланиш орқасида маҳсулот сифати анча яхшиланди, брак кескин суратда камайди. Ҳозирги вақтда бир сменада пландан ташқари 20 — 25 тонна прокат ишлаб чиқарилаётир.

М. МИРСОАТОВ.

ЯНГИ КОМБИНАТ

Қурилиш майдонида иш авжига минган: экскаваторлар, самосвал машиналар, транспортёрлар бир зум жим туришмайди. Бу ерда Чирчиқ тайёр уйлар комбинатининг биноси қуриляпти. Ҳозир бўлажак цехларнинг пойдевори ишланмоқда. Бу янги корхона кўп қаватли бинолар қурилиши учун комплекс блоклар тайёрлаб беради. Унинг бир йилда ишлаб чиқарган маҳсулотидан 35 минг квадрат метр ҳажмда уйжой бинолари қуриш мумкин.

КПСС XXII съезди шарафига суръатга-суръат қўшиб ишлаётган бошқармамиз коллективи янги комбинат биносини шу йилнинг ўзидаёқ фойдаланиш учун топширишга қарор қилди.

Л. ЗОЛИНА.
225-УНР план бўлимининг бошлиғи.

„КАНТЕМИРОВЕЦ“ СОВХОЗИДА КУТИБ ОЛИШ

Н. С. Хрушчев қўриқчиларнинг меҳмони бўлди

АКМОЛИНСК, 12 март. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев, илгари хабар қилинганидек, Акмолинскка бора туриб, йўлда «Кантемировец» совхозида тўхталиб ўтди. Бу совхоз Кўкчатов областининг шимолий кисмида, темир йўлдан 35 километр нарида жойлашган. Ҳали яқиндагина чалав ўсиб ётган бепоён даштларда энди посёлка қад кўтарган бу посёлкада икки ярим мингдан кўпроқ киши яшайди.

Совет ҳукумати бошлиғининг совхозга кериши қўриқчиларнинг ҳаётида катта воқеа бўлди. Шу жойдаги кишиларнинг ҳаммаси ўртоқ Н. С. Хрушчевни марказий усадбада кутиб олдилар.

Совхоз идорасида хўжаликнинг ишлари тўғрисида ва уни ривожлантириш истиқболлари ҳақида эркин суҳбат бошланиб кетди. Бу суҳбатда совхознинг илғор ишчилари, мутахассислари, раҳбарлари, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Ш. Шарипов, республика Министрлар Советининг Раиси С. Д. Давленов Қўриқ ўлка партия комитетининг биринчи секретари Т. И. Соколов, ўлка ижроия комитетининг раиси В. В. Мацкевич, республика совхозлар министри А. И Козлов ва бошқалар қатнашадилар.

Совхоз директори А. А. Цапов айтадики, бундан олти ярим йил муқаддам гвардиячи Кантемировка дивизиясининг ҳарбий хизматдан бўшаган солдат ва офицерларидан бир группаси бу ерга келган эди. Улар ана шу ерда янги ҳаётни бошлаб бердилар. 1955 йилнинг кўклам фаслида қарийб 15 минг гектар қўриқ ер ҳайдалиб экин экилди, биринчи турар жойлар қурилди.

Ҳозирги вақтда «Кантемировец» совхозида 33 минг 347 гектар ер ҳайдалиб экин экилмоқда. Ўтган йил давлатга бир миллион 400 минг пуд дон сотилди. Ўртоқ Цапов етти йиллик планнинг дон етиштириш юзасидан берган топшириғи 1962 йилдаёқ бажарилади, деди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев совхозда чопик қилинадиган қандай экинлар етиштирилаётганлиги билан қизиқди. Ўтган йили бир минг гектардан кўпроқ ерга маккажўхори экилган бўлса ҳам кам ҳосил олинганлигини унга маълум қилдилар. Н. С. Хрушчев ҳамма жойда маккажўхорини етиштиришни ўрганиб олиш керак, Қозоғистоннинг қўриқ ерларида эса маккажўхоридан кўпроқ ҳосил олиш мумкин, деб таъкидлайди. Н. С. Хрушчев, ҳатто Чита областида механизатор А. Г. Лисичников ўтган йили юз гектар ернинг ҳар гектаридан 1100 центнердан кўк поя олганлигини эслатиб ўтди. Н. С. Хрушчев, маккажўхорининг маҳаллий шароит учун энг қулай навларини танлаб олиш, маккажўхорини парвариш қилишга алоҳида эътибор бериш ва энг муҳими — олинган ҳосилга қараб меҳнатга ҳақ тўлаш керак, деб маслаҳат беради Қўриқ ерларда фойдаланилмай ётган катта имкониятлар борлиги тўғрисида гап кетади. Н. С. Хрушчев айтадики, бугдой экиладиган ерга ҳар йили бугдой эка бериш керак эмас, далаларни ёввойи ўтлардан тозалаш ва дон етиштириш учун энг яхши шарт-шароит вужудга келтириш керак. Бунинг учун чопик қилинадиган экинларни, хусусан маккажўхори, лавлаги ва нўхатни кўпроқ экиш тавсия этилади.

Арпа, гречиха, мойли зиғир, тариқ экиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Тажриба станциясининг директори ўртоқ Назарцев нўхатдан мўл ҳосил етиштирилганлигини, аммо бу ҳосилни йиғиштириб олиш учун керакли машиналар йўқлигини айтганида, Н. С. Хрушчев, Германия Демократик Республикасидаги дон комбинатининг бирида қилганларидек, ҳосилни ҳаскашлар билан йиғиштириб олишни маслаҳат кўрди.

Н. С. Хрушчев мол озуқаси тўғрисидаги масалани совхоз ходимлари ва Қўриқ ўлка раҳбарлари билан биргаликда муҳокама қилиб, мол озуқаси учун дуккакли экинлар етиштириш имконияти борлиги ё йўқлигини текшириб чиқишни тавсия этади. Н. С. Хрушчев айтадики, Г. А. Налибайко бошчилик қилаётган Олтой қишлоқ хўжалик илмий тадқиқот институти тажриба участкаларида ҳар гектар ердан 300 центнердан кўк поя ва 30 центнердан молга едириладиган дуккакли экин дони олмоқда.

Ана шу дуккакли экинлар бошқа экинларнинг яхши ўтмишдоши бўлиб, беда ва сулига нисбатан уларда оқсил моддаси кўпроқдир. Шу сабабли, дуккакли экинларни маккажўхори билан айни бир вақтда экиш, 100 гектар маккажўхори экканда тахминан 60 гектар ерга дуккакли экинлар экиш жуда фойдалидир.

Совхоз директори айтадики, кантемировчилар дон етиштириш билан бир қаторда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ҳам кўпайтирмоқдалар. Ҳозирги вақтда шу совхозда икки ярим минг бош қорамол ва шунча миқдорда қўй, 500 чўчқа ва олти ярим минг парранда бор. Совхозда хўжаликнинг ана шу тармоғини тезроқ ривожлантириш учун бутун шарт-шароит мавжуд бўлса ҳам, бундан етарли даражада фойдаланилмаётир. Ўртоқ Н. С. Хрушчев жон бошига гўшт етиштириш сохасида совхознинг Америка Қўшма Штатлари даражасига етиб олиши учун қандай ишларни қилиш кераклигини суҳбат қатнашчилари билан биргаликда ҳисоблаб чиқади. Бунинг учун совхоздаги 44 минг гектар ер ҳисобига ҳар йили 18.5 минг центнер гўшт тайёрлаш керак. Шунча миқдорда гўшт бера оладиган чорва моллари боқиб ўстириш учун зарур бўлган ем-хашак ҳосил қилиш мақсадида 3300 гектар ерга силос олинадиган маккажўхори экиш ва ҳар гектар ердан 300—400 центнердан ҳосил олиш ҳамда 1300 гектар ерга каяд лавлаги экиб, ҳар гектар ердан 200 центнердан лавлаги ҳосили олиш керак. Парандаларни, хусусан ўрдак ва ғозларни ҳам кўпайтириш, бунинг учун Қўриқ ўлкадаги кўп ҳовуз ва кўлларден фойдаланиш лозим.

Совхоз хўжалигини янада ривожлантиришга доир бошқа проблемаларга ҳам тўхталб ўтилди. Сув билан таъминлаш масаласи қўриқ ерлардаги бошқа хўжаликлар каби бу совхоз учун ҳам муҳим масаладир. Ўлкада Ишим дарёсидан узунлиги жами 3200 километр бўлган водопровод ўтказиш мўлжалланди. Бу эса, совхозларни сув билан таъминлаш имконини беради.

Суҳбат вақтида қўриқчиларнинг турмушига катта эътибор берилди. Обод уй-жойлар, мактаб, болалар боғчалари ва яслилари, ошхоналар қурилишини кенгайтириш зарур эканлиги таъкидланди.

Суҳбат тамом бўлди. Ўртоқ Н. С. Хрушчев ўзига ҳамроҳ бўлган неча юзлаб кишилар билан биргаликда қор босган кўчадан клуб томон боради. Клуб зали одамлар билан лиқ тўла эди. Бу ерда ҳозир бўлган кишилар меҳмонга гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар. 1954 йилнинг куз фаслида ана шу қўриқ даштларга биринчи бўлиб келган шонли кантемировчи жангчилардан бири шофер В. И. Буригин ўртоқ Н. С. Хрушчевни самимий табриклайди. В. И. Буригин ўша вақтларда бу ерлар даштбиёбондан иборат эканлигини эслатиб ўтади.

— Ҳозирги пайтда атроф-теваракка бир назар солганингда, беҳад хурсанд бўласан, киши,— дейди В. И. Буригин.

Далачилик бригадасининг бошлиғи И. А. Галахов қўриқчилар зўр ғайрат билан меҳнат қиладиган бўлсалар, яқин йиллар ичида гўшт ва жун етиштириш сохасида АҚШ даражасига етиб оладилар, деб зўр ишонч билан гапирганида, Н. С. Хрушчев залдагиларнинг ҳаммаси билан биргаликда уни олқишлайди. Ўртоқ И. А. Галахов бригада аъзолари меҳнати тўғрисида гапиради ва бу йил ўз ўртоқлари билан биргаликда 4 минг гектардан кўпроқ майдонда ҳар гектар ердан камида 15 центнердан дон олишга аҳд қилганлигини билдиради.

Қўриқчилар Н. С. Хрушчевнинг нутқини зўр эътибор билан тингладилар Н. С. Хрушчев уларни КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети номидан табриклади.

Турмуш.— деб таъкидлади Н. С. Хрушчев.— қўриқ ерлар жуда яхши натижа берганлигини кўрсатди. Эндиликда АҚШга етиб олмоқ учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида янада зўр бериб ишлаш тўғрисида амалий фикр юритиш керак. Қўриқ ерларда дон билан бир қаторда гўшт ва сут ҳам олиниши керак. Бунинг учун деҳқончилик маданиятини юксак даражага кўтариш, меҳнатни яхши ташкил этиш керак.

Қўриқчилар Н. С. Хрушчевни самимий узатиб қолдилар. Н. С. Хрушчевнинг совхозга келиши уларнинг кучига куч қўшди, уларнинг КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини мумкин қадар яхшироқ ва тезроқ бажаришга бўлган аҳдини янада кучайтирди.

ЕРНИ, ТЕХНИКАНИ ЭКИШГА СИФАТЛИ ТАЙЁРЛАЙЛИК!

☆

Пухта тайёргарлик билан

«Пискент» совхозининг 4-бўлимидаги Эшонқул Тўйчиев бошлиқ бригада ишчилари бу йил 110 гектар ерга чигит экадилар. Бригада меҳнатканлари ҳар гектар ердан 25 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олдилар.

Бригада ихтиеридаги 2 та универсал тўла ремонт қилиниб, экишга тахт қилиб қўйилди. Чигит экиладиган майдон бороналаниб, ҳар гектар ерга 10 тоннадан маҳаллий ўғит солинди. Ирригация шохобчалари тозаланб қўйилган.

И. СУЯРҚУЛОВ.

Бригада экишга тайёр

Оққўрғон районидаги Ленин номли колхозининг ўртоқ Ж. Примқулов бошлиқ бригада аъзолари бу йил 210 гектар ерга чигит экадилар. Ана шу майдоннинг 100 гектари янги ўзлаштирилган ердир. Бригаданинг азамат пахтакорлари эрта кузданёқ маҳаллий ва минерал ўғит аралашмаси бериб, ерни сифатли шудгорлаб қўйганлар.

Кўкламги экиш кампаниясига тайёргарлик ишларини қизитиб юборган бригада ўз ихтиёридаги техника воситаларини сифатли ремонтдан чиқариб қўйди. Далага 500 тоннага яқин гўнг ташиб чиқарилди. 179 тонна минерал ўғит давлат омборидан ташиб олинди.

С. МУСТАФОЕВ.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё институти экишдан олдин тупроқ қатламини ишлайдиган такомиллаштирилган янги чизель яратди. Бу чизелнинг ишчи органлари тупроқни ҳар хил чуқурликда юмшатадиган қилиб ўрнатилган. Янги чизель билан иш олиб борилганида тупроқда нам анча узоқ сақланади, чигитнинг бир текис униб чиқиши учун шароит вужудга келади. Суратда: янги чизель «ДТ-54 А» тракторига тиркаб ишлатилмоқда.

В. Кожевников фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Кўкламги экишга тайёргарликни текширамиз

МУРОД МИРЗАЕВ „БАЖАРАМИЗ“ ДЕЙДИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ НИНГ рейд бригадаси

ЭССИЗ ТЕХНИКА

«Москва» колхози қишлоғига қадам қўйишингиз билан йўлларнинг четларида, тракторчиларнинг томорқаларида бутун қиш бўйи очиқда туриб занглаб кетган пахта териш машиналари, сеялкалар, бороналар ва шу сингари кўплаб қишлоқ хўжалик машиналарини кўрасиз. Колхоз идорасининг ёнгинасида темир дарвозали устахона ҳам бор. Ташқаридан қараган одам, бу ердаги машиналар жуда яхши сақланаётган бўлса керак, деб ўйлайди. Бироқ, унинг ичкарисига кирсангиз, колхоз раҳбарларининг беғамлигига ҳайрон қоласиз. 6 та комбайн, кўплаб пахта сеялкалари, зигзагли бороналар, «ДТ-14», «ДТ-24» маркали тракторларнинг ҳаммаси очиқ ҳавода лойга ботиб, занглаб ётибди. Улардаги қисмларнинг ярмидан кўпи йўқолиб кетган.

Колхоз раисининг механизация бўйича ўринбосари Ўртоқ Л. Красильников билан техника ремонти, машиналарни техника кўригидан ўтказиб туриш хусусида сўз борарди. Ўртоқ Красильников гапни бутунлай бошқа томонга буриб, техникани нисони ҳақида гапиракетди.

— Универсалдан 36 та, сеялка 28 та, ҳайдов тракторлари 11 та... — санайкетди у.

— «ДТ-24» маркали трактордан борми? — гапга аралашди колхоз агрономи Ўртоқ Х. Қорабоев.

— Йўқ, илгари иккита бор эди. Маълум бўлишича, Ўртоқ Красильниковнинг ўз ишига ўтакетган совуққонлик билан қараши туфайли яна бир неча йил ишлатиш мумкин бўлган иккита «ДТ-24» трактори бутунлай тарқатилиб, қисмлари бошқа универсалларга қўйиб юборилипти.

Колхозда қишлоқ хўжалик машиналарини ҳеч қандай асоссиз тарқатиб юбориш ҳоллари кўп учрайди. Бу ҳақда Мирзачўл РТСининг ходимлари колхоз раҳбарларини бир неча марта огоҳлантирдилар. Фойдаси бўлмагач, район партия комитетига хат ҳам юбордилар. Ўша хатларнинг бирида колхозда 1960 йилнинг охири ва 1961 йилнинг бошида 6 та универсал, бир «ДТ-54» маркали ҳайдов трактори ва бир неча чигит экадиган сеялка тарқатиб юборилганлиги, эндиликда хўжаликда техника етишмайётганлиги кўрсатилган. Район партия комитети февраль ойининг охирларида бўлиб ўтган бюрода бу ишни қаттиқ қоралади. Шунингдек, техника ремонти сохасидаги камчиликлар қаттиқ танқид қилинди. Бироқ, колхоз раҳбарлари кўкламги экиш кампаниясига тайёргарликни ҳамон пайсалга солмоқдалар. Буни қуйидаги мисоллардан кўриш мумкин.

Колхознинг «Оқ олтин» участкасида бу йил 650 гектар ерга чигит экилади. Участка бошлиғи Ўртоқ Назарқул Қўйлиев билан чигит экишга қандай тайёргарлик кўрилаётгани ҳақида суҳбатлашдик.

— 12 гектар ерни борона қилдик. 16 гектар ер текисланди. Ремонтни тугатганмиз, — деди у лоқайдлик билан.

— План неча центнердан?

— Ростини айтсам, ҳали план беришгани йўқ.

— Мажбурият-чи?

— Уни ҳам айтолмайман.

Гапга колхоз партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Алимов аралашди.

— Колхоз бўйича 18,1 центнердан план олдик. Сизга ҳам шу бўлади-да. Ортиқчасининг ўзидасидан ҳам чиқолмайсизлар, — деди у участка бошлиғини қизиқлатган қутқазмоқчи бўлиб.

Ўтган йили «Оқ олтин» участкаси ҳар гектар ердан 8,5 центнердан ҳосил олган экан. Шундай бўлишига қарамай, бу йил ҳам мўл ҳосил учун жиддий кураш олиб борилмаётир. Шу кунгача далага 400 тоннага етар-етмас гўнг ташиб чиқарилган. Сув йўлларини тозалаш ҳали тамомланмаган. Бороналаш, ер текислашнинг аҳволи, участка бошлиғи айтгандай, ёмон. Карта четлари, бурчаклар ҳанузгача тартибга солинмаган. Айниқса, техника ремонти сифатсиз. Участканинг бригада механиги Ўртоқ Идрис Зияев, ҳаммаси техникамиз ремонтдан чиққан, деб айтди. Бироқ, текшириш натижасида ҳатто ҳеч камчилиги йўқ деб сеялка осиб қўйилган тракторлардан ҳам 10 тадан тортиб 20 тагача камчилик топилди.

Колхоз 1850 гектар майдоннинг 155 гектарига квадрат-уялаб чигит экади. Анча майдонга 60×50 схемаси билан чигит экиш мўлжалланмоқда. Бироқ, колхоздаги ҳамма режа симлари 60×60 схемаси билан чигит экишга мўлжалланган. Бирорта сеялка учун ҳам 60×50 схемасидаги режа симлари йўқ.

Ўртоқ Красильников «28 сеялкадан 23 таси экишга тайёр» деб айтган эди. Лекин бу сеялкаларнинг ҳам ярмидан кўпи сифатсиз ремонт қилинган. Уларнинг бирида маркер бўлмаса, бошқа бирида занжир йўқ. Демак, сеялкалар ҳам хўжакўрсинга ремонт қилинган. Бу йил кўкламнинг қуруқроқ келиши чигит экишни қисқа муддат ичида ўтказишни талаб қилмоқда. Агар колхозда техника ремонти шунчалик сифатсиз, суслик билан ўтказиладиган бўлса, бундай муҳим вазифани ўз вақтида, сифатли қилиб ўтказиш мумкинми, ахир!

ХУЖАКЎРСИНГА ҚИЛИНГАН ИШЛАР

РАИС «БАЖАРАМИЗ» ДЕЙДИ

3 мартда колхоз правлениесининг йиғилиши бўлди. Унда сўзга чиққан кишилар кўкламга тайёргарликнинг ёмон аҳволда эканини қайта-қайта таъкидладилар. Пировардида колхоз раиси Ўртоқ Мурод Мирзаев сўз олиб, оғизда ҳамма ишни қойил қилиб қўйди.

— Гапларинг тўғри, — деди у, — лекин қўлимиздан келмайдиган иш йўқ. Планни ҳам бажарамиз, мажбуриятни ҳам.

Кейинги кунларда колхозга райҳ партия комитетидан, район ижроия комитетидан, Мирзачўл РТСидан бир неча вакиллар бориб ерни чигит экишга тайёрлаш, техника ремонти соҳасидаги камчиликларни кўрсатди. Ҳар сафар Ўртоқ Мирзаев камчиликларни тан олиб, ўз ваъдасини «бажарамиз» деб тугатаверди. Область қишлоқ хўжалик бошқармасининг вакили Ғозиев, республика қишлоқ хўжалик министрлигининг вакил Данько Ўртоқларнинг жиддий огоҳлантиришларига ҳам раис «бажарамиз» деди.

Хўш, раис берган ваъдаларнинг натижаси нима бўлаётир? Илгор хўжаликлар ерни чигит экишга тахт қилиб қўйдилар. Бироқ, «Москва» колхозида умумий пахта майдонининг учдан бири ҳам текисланган йўқ. Бороналашнинг суръати бундан ҳам паст. Ўтган йили ҳам колхозда бу тадбирлар ўтакетган беғамлик билан ўтказилганлиги туфайли кўчат жуда сийрак бўлиб қолган, оқибатда ҳар гектар ердан фақат 11,7 центнердан ҳосил олинган эди. Колхоз раҳбарлари, хусусан раис Ўртоқ Мурод Мирзаев 1960 йилнинг аччиқ сабоқларидан тегишли хулоса чиқариб олсинлар. Кузда қоғоздаги қарорларни, қуюқ ваъдаларни тарозига тортиб, пахта ўрнига ўткзиш мумкин эмас.

Ё. СЕЙТВАЛИЕВ,
Мирзачўл РТСининг техника назорати бўйича бош инспектори.

С. СУЛТОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» газетасининг мухбири.

ҲАЁТ ТАҚОЗОСИ

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришга фан ютуқларини ва илғорлар тажрибасини кенг жорий қилиш экинлардан мўл ҳосил етиштиришнинг муҳим шартидир. Бинобарин, илғор фан асосларига таянмай туриб қишлоқ хўжалигини юксалтириш мумкин эмас. Шунинг учун КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг яқинда қабул қилган «СССР Қишлоқ хўжалик министрлигини қайта ташкил этиш тўғрисида» ва СССР Министрлар Советининг «Қишлоқ хўжалик техникасини, запас қисмларни, минерал ўғитларни ва бошқа моддий-техника воситаларини сотиш, колхозлар ва совхозларда машиналарни ремонт қилиш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш билан шуғулланадиган Бутуниттифоқ бирлашмасини («Союзсельхозтехника») тузиш тўғрисида»ги қарорларида қишлоқ хўжалигини тараққий эттиришда илм-фаннинг аҳамияти яна бир бор кўрсатиб ўтилди.

Мазкур қарорларга мувофиқ қишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи илмий муассаса ва академиялар, олий ўқув ва билим юртлари Қишлоқ хўжалиги министрлиги ихтиёрига ўтказилади. Шу жумладан, Тошкент қишлоқ хўжалик институти ҳам ўз фаолиятини бундан буён бевосита Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги раҳбарлигида олиб борали.

Бундай катта ва муҳим тадбир амалга оширилаётган экан, бу, шубҳасиз, ҳаёт тақозосидир.

Аввалдан институтимизда ўқув-тарбия ишларининг ишлаб чиқариш билан алоқаси кўнгилдагидек эмасди. Биз кўпинча студентларга фан асосларини бериш билангина чекланар эдик. Натижада олий маълумотли ёш кадрларнинг иш жойларида қийинчиликларга учраши турган гап эди.

Фаолиятимиздаги бу камчилик аввало ўқув-тажриба хўжалигимизнинг торлиги билан изоҳланди. Гарчи, институт ихтиёрида Тошкент областининг Оржоникидзе районида 300 гектарлик тажриба хўжалиги бўлса-да, бу турли хил қишлоқ хўжалик экинларини экиш ва парвариш қилиш имконини бермасди. Шунингдек, хўжалигимиз етарли миқдорда техника билан таъминланмаганди. Борлари ҳам конструкция жиҳатидан анча эскириб қолган эди.

Бу ерда шуни ҳам айтиш керакки, институт студентлари ҳар йили «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида ишлаб чиқариш практикасини ўтказишади. Бунинг ўзигина ишлаб чиқариш билан мустаҳкам алоқа боғланди деган сўз эмас, албатта.

Янги қабул қилинган қарорларда белгиланган оқилона тадбирлар институтимиз равнақи учун ҳам катта истиқболлар очади. Келгусида ўқув-тажриба хўжалигимиз 600 гектарга кенгаяди. Илғор колхоз ва совхозлар негизида янги тажриба хўжаликларига эга бўламиз. Чинакам тажриба тўплаш мактаби бўлаоладиган хўжаликлар керакли техника ва асбоб-ускуналар билан тўла таъминланади.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози маъмуриятининг бу соҳадаги ташаббусини алоҳида эслатиб ўтиш керак. Бу ерда ташкил этилган студентлар трактор-далачилик бригадасини совхоз ўз оталиғига олди. Эндиликда студентларнинг ўзи йил давомида (ўқишдан ажралмаган ҳолда) бригадада бўлиб, чигит экишдан тортиб, ғўза қатор оралариги ишлаш, суғориш ва етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган ҳамма ишларни мустақил бажарадилар.

Бундан буён Тошкент, Фарғона областларидаги айрим хўжаликлар ҳам олий ўқув юртимиз билан яқиндан алоқа боғлайдилар, ёш мутахассислар тайёрлаш ишига ёрдам берадилар.

Қарс икки қўлдан чиқади деганларидек, ўз навбатида биз ҳам қўлимиздан келган ёрдамимизни аямаймиз. Илмий-тадқиқотларимизнинг айримлари кўпгина хўжаликларда муваффақиятли қўлланилаяпти. Чунончи, профессор А. И. Автономов раҳбарлигидаги бир группа олимлар яратган пахтанинг ингичка толали нави яхши самаралар берди. Бу нав пахта Сурхондарё областидаги катор хўжаликларда етиштирилмоқда. Профессор Н. П. Балашов картошка етиштиришнинг янги агротехника усуллари устида ишлаб, жиддий муваффақиятга эришди. Бу тадқиқот ҳам қишлоқ хўжалигига жуда қўл келаяпти. Раҳмонбердиев, Рибаков, Михайлов каби олимларимизнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига қўшган ҳиссалари ҳам мақташга лойиқдир.

Институтнинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш мақсадида олий ўқув юртимизни Ялангоч қишлоғига кўчиришга қарор қилинди. Яқин кунлар ичида янги бино қурилиши бошлаб юборилади. Қурилиш лойиҳасига кўра, институт ҳузурида бир неча янги фан кабинетлари ва лабораториялар ташкил этилади. Технология, уруғларни саралаш каби лабораториялар эса тажриба ўтказувчи асосий база бўлиб қолади. Буларнинг ҳаммаси ўқув-тарбия ишлари савиясини ошириш ва студентларнинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш учун катта омилдир.

А. МИРЗАЕВ,
Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг директори.

ЎРНАК ОЛСА АРЗИЙДИ

Башорат билан Дилором РТС га кириб келганларида уларнинг дугоналари ҳам шу ерда экан. Ўқитувчи Абубакир Жониқулов қизларга «НКУ» культиваторнинг қисмларини ўргатмоқда эди.

— Мана бу қисм тилиб кетадиган пичоқлар. Бу болтлар билан маҳкам бириктирилган. Бунисн эса рама. Мана шу икки асосий қисмни беш бармоқдай билиш керак. — тушунтирарди ўқитувчи.

Дилором бундан хийла хабардор. У ҳатто ўтган йили ғўза парваришида культиваторда мустақил ишлаган. Шунинг учун чечан қиз ўқитувчининг ҳамма саволига пухта жавоб қилди.

Бу 7 қиз — турсунойчи қизлар. Улар Юқори Чирчиқ районидаги 26-мактабнинг ўқувчилари. Мактабда таълим меҳнат билан қўшиб олиб борилмоқда.

РТС нинг яна бир паркида эса водителлик шоферликка иштиёқи бўлган ўспиринлар машғулот ўтказишмоқда. Механика ўқитувчиси А. Жониқулов буларга ҳам устоз. Мактабнинг 9-синфидаги 13 ўқувчи. 10-синфидаги 14 ўқувчи механизатор бўлмоқчи.

Ёшларнинг бу орзуларини рўёбга чиқаришда мактабни ўз оталиғига олган «Ленинизм» колхози яқиндан ёрдам бермоқда. Колхознинг трактор-ремонт паркида ўқувчилар учун алоҳида жой ва техника ажратилган. Кези келганда ўқувчилар ремонт ишларида иштирок этаверадилар. Бу ерда ўқувчилар водителлик ҳунари билан бирга слесарлик ва токарлик ҳунарини ҳам ўрганадилар.

Мактабда кунс узайтирилган группа ташкил этилган. Бу группа ўқувчилари ўқишдан ташқари вақтларини турли тўгаракларда ўтказадилар.

Айниқса, дурадгорлик тўгараги иштирокчиларининг қўлидан дурустгина иш келиб қолди. Ўқувчилар бино учун эшик, ромни мустақил ясайдилар. Мактаб биносига қўшимча қурилган хоналарнинг эшик, ромлари, хатто полини ҳам ўқувчиларнинг ўзлари битказишди.

Шуниси қувонарлики, бу мактабда ҳар бир ўқувчи бирор касбни эгаллашга интилади. Чевар қизлар эса тикувчи бўлишмоқчи. Улар учун 11 та тикув машинаси сотиб олинди. Қизлар бажарган иш ҳаммага манзур бўлмоқда.

Чеварлар район касалхона ва туғруқхонаси учун дераза парда, чойшаб, ёстиқ жилди сингари кўп буюмларни тикиб бердилар.

Ёш деҳқонларни айтмайсизми, улар ўтган йили 10 гектар майдонга чигит экиб, 35 центнердан ҳосил йиғиб олишди. Бу йил бригада аъзолари экин майдонини 20 гектарга етказишмоқчи.

Бу ишларнинг ҳаммаси, албатта оталиқ ташкилоти, жамоатчилик ёрдами билан амалга оширилмоқда. Ўқувчиларни меҳнатсевар қилиб тарбиялаш, уларнинг етуклик аттестати олиш билан бирга, бирор касбни эгаллаш учун қилинаётган бу яхши тадбирлардан ўрнак олса арзийди.

С. КАРИМОВА.

Институтнинг амалий ёрдами

Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисида ва мамлакатда ҳалқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақидаги қонунда олий ўқув юртларида ҳам ўқишнинг ишлаб чиқариш билан боғланишини яхшилаш асосида мутахассислар тайёрлаш сифатини янада яхшилаш асосий вазифа қилиб қўйилган. Шу кўрсатмаларни амалга ошириш мақсадида Тошкент Молия-иқтисод институти Оққўрғон районидаги колхоз-совхозлар билан бир неча йиллардан бери яқиндан ҳамкорлик қилиб келади.

Районда институт илмий кучларини ташаббуси билан «Колхозларда деҳқончиликни илмий асосда ташкил этиш», «Меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш» каби темаларда илмий конференциялар ўтказилди. Конференцияларда бир неча таклиф ва тадбирлар ишлаб чиқилди.

Институт илмий ходимлари ва студентлари районнинг 8 та колхозига 7 йиллик перспектив план тузишда кўмаклашдилар. Шунингдек, ҳар йили хўжаликлар учун ишлаб чиқариш ва молия планлари тузиб берилади. «Ленинобод» колхозида меҳнатга пул билан ҳақ тўлаш тартибини жорий қилишда ҳам институтнинг ёрдами катта бўлди. Колхозларнинг бухгалтерия, ҳисобот ишларини яхшилашда институт яқиндан ёрдам кўрсатаётир.

Институт дирекцияси ва партия ташкилоти шу кунларда Оққўрғон районида КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорлари асосида бир неча ишлаб чиқариш-иқтисодий конференциялари ўтказишга тайёргарлик кўрмоқда.

Ф. ТОШМАТОВА.

Яхши парвариш туфайли

«Бўстонлиқ» совхозининг 3-бўлим чорвадорлари Ўсар аканинг қўли мойли дейишади. Чунки, у ҳар қандай ориқ молни ҳам тез кунда семиртириб юборади.

Ўсар Бўркиев 60 та ориқ тана ажратиб олганида уларнинг ҳар бирининг тириқ вазни 80—100 килограмм атрофида эди. У молларни зоотехники қойдалари асосида боқабошлади. Қачон қарасангиз, уни шу бўрдоқига боқилаётган таналар орасида кўрасиз. Уларни қашлайди, остини доим тоза тутади. Ҳар куни бир маҳал прогулкага олиб чиқади. 3 маҳал ем беради. Унинг қилган меҳнатлари зое кетмади. Ҳар бир тананинг вазни 250 килограммдан ҳам ошиб кетди. Бўрдоқига боқилган таналардан 19 таси гўштга топширилиб, биринчи квартал плани 200 процентдан ошириб бажарилди.

Ҳозир Ў. Бўркиев КПСС XXII съезди шарафига кенг авж олиб кетган социалистик мусобақага қўшилиб, чорва молларини яхши парвариш қилиш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

Н. ТОЖИБОЕВ.

Меҳнаткашлар хизматида

Тошкентдаги Давлат эстрада театри артистлари бир неча бригадага бўлиниб, республикамизнинг областлари меҳнаткашларига намунали маданий хизмат кўрсатмоқдалар. Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи Маъмуржон Узоқов, республикада хизмат кўрсатган артист Муҳаммаджон Мирзаев, солистлардан Камтар Отабоев, Исҳоқ Катаев, Нина Ғаировалардан иборат бригада икки ой давомида Андижон областида бўлиб, областнинг район марказлари, колхоз ва совхозларида берган концертларни меҳнаткашлар завқ билан тингладилар.

Эстрада театри артистларининг яна бир группаси шу кунларда Хоразм областининг меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатмоқда.

Нефтчилар, янги ер очувчилар ва табиат бойликларини қидираётган геологларга хизмат кўрсатиш учун эстрада нинг бир группа артистлари яқинда Фарғона областига жўнаб кетди. Бу бригада составида Луиза Зокирова, Жалил Ҳолиқов, Навфал Зокиров, Эдуард Сумароков, Владимир Гилевичлар бор.

С. РУСТАМОВ,
К. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

ЗАРПЕЧАККА ҚАРШИ КЕСКИН КУРАШАМИЗ

«КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин даражада кўпайтириш учун мавжуд имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланишни асосий вазифа қилиб қўйди. Қишлоқ хўжалигини тинмай юксалтириш учун кураш — бу коммунистик жамият қуришнинг энг муҳим шарт-шароитидир, бу чинакам умумхалқ ишидир» (Н. С. Хрушчев).

Деҳқончилик маданиятини ошириш қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш соҳасидаги энг муҳим тадбирлардан биридир. Кўпгина колхозлар, совхозлар ва бошқа хўжаликлар беда, картошка, сабзавот, полиз экинлари ва бошқа экинларни, шунингдек ток ва мевали — декоратив дарахт кўчатларини зарпечак ўраб кетганлиги учун ана шу экинлар ва мевалардан кам ҳосил олмоқдалар. Эндиликда бундай ҳолатга ортиқ тоқат қилиб бўлмайди. Зарпечак одатда ариқ бўйларида, йўл ёқаларида, далаларнинг ўртасидаги марзаларда ўсувчи бегона ўтларда яшайди ва у ердан экинларга тарқалади.

Зарпечак тарқалишининг асосий сабаби шундаки, колхозлар, совхозлар ва илмий-тадқиқот муассасаларининг, питомниклар ва бошқа хўжаликларнинг кўпгина раҳбарлари зарпечакнинг қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилига жуда катта зарар келтиришига етарлича баҳо бермайдилар ва унга қарши кескин кураш олиб бормайдилар. Кўпинча далаларга яхши чиримаган гўнг солинади, бундай гўнгда зарпечак уруғлари бўлади. Зарпечак уруғи билан зарарланган қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини ҳам баъзан тозаламай экаверадилар, зарпечак босган участкаларни тозалаш ишига анча кечикиб киришадилар, бунинг устига шу ишлар агротехника жиҳатидан паст даражада олиб борилади.

Биз ўз колхозимизда зарпечакнинг тарқалиш жойларини тезроқ тугатишга интилиб, 1960 йилда 20 гектар ердаги бедани, шу жумладан 6 гектар уруғлик бедани ҳамда ариқ бўйлари, йўл ёқалари ва марзалардаги (жами 40 гектар майдонда) бегона ўтларни кимёвий йўл билан дориладик. Бу ишлар беда уруғи ва пичан ҳосилининг кўпайишига яхши таъсир кўрсатди. 1960 йилда ҳар гектар ердан 3,13 центнердан беда уруғи олинди. Ҳолбуки, бедаларни зарпечак босган 1959 йилда ҳар гектардан атиги 1,08 центнердан беда уруғи олинган эди. Бундан ташқари, биз гектаридан 85,3 центнердан пичанбоп беда олдик. 1960 йилда қишлоқ хўжалик экинларини шунингдек, зарпечак босган ариқ бўйлари ва йўл ёқаларини зарпечакнинг уруғи етилмасдан бурун ўз вақтида юқори сифатли қилиб дорилаш ва механик йўл билан ишлаш натижасида дуруст натижаларга эришдик.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1959 йил 20 июндаги «Бегана ўтларга ва зарпечакка қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги қарорини яхши бажариш мақсадида, биз «Қизил Ўзбекистон» колхозининг бутун территориясида 1961 йилда зарпечакни батамом тугатиш мажбуриятини олдик. Бунинг учун қуйидаги тадбирларни амалга оширамиз:

1. Далаларни ўғитлаш учун фақат яхши чириган гўнгнигина соламиз. Шу мақсадда иккита типовой ва 20 та оддий гўнгхона қурамиз.

2. Ерга фақат қишлоқ хўжалик экинларининг контроль-уруғчилик лабораториясида текширилган уруғларнигина экамиз, бундай уруғларнинг зарпечак билан зарарланмаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлиши керак.

3. 1961 йилда зарпечак босган ҳамма беда экинларини, йўл ёқаларидаги, ариқ бўйларидаги бегана ўтларни ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб кимёвий йўл билан дорилаймиз, бунинг учун камида 25 тонна карболинум сотиб оламиз.

4. Уруғлик беда экиш учун ажратилган участкаларни 1961 йилнинг кузида плуг билан 25 сантиметр чуқурликда ҳайдаймиз ва баҳорда бороналаймиз.

5. Дарахтлар ва токларда яшайдиган зарпечакка қарши механик йўл билан кураш чораларини кўрамиз.

6. Чопиқ қилинадиган экинлардаги зарпечакка қарши ҳам кураш олиб борамиз.

7. Колхоз территориясида яшайдиган ҳар бир колхозчи, ишчи ва хизматчи хонадони ўз томорқа участкасида зарпечакни батамом тугатгунча унга қарши кураш чораларини кўради.

8. Зарпечакка қарши кураш олиб бориш учун биз агроном-энтомолог раҳбарлигида 24 кишидан иборат доимий ишловчи бригада тузидик.

ЎзССР Қишлоқ хўжалик министрлигидан зарпечакка қарши кураш олиб бориш учун бизга оловли культиватор берилишини сўраймиз.

«Қизил Ўзбекистон» колхозининг аъзолари Тошкент областидаги барча хўжаликларга мурожаат қилиб, уларни биздан ўрнак олишга ва 1961 йилда областимиздаги хўжаликларда зарпечакни тугатиш юзасидан актив кураш уюштиришга чақирадилар.

А. МАТҚОБУЛОВ,
Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

К. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
колхоз агрономи.

СЪЕЗДДАН—СЪЕЗДГАЧА

Тошкент Черемушкаси

153-қурилиш трестининг ўртоқ М. Кабиров бошчилигидаги комплекс бригада аъзолари тезкорлик усулида ишлаб, меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Ойлик топшириқларни доим 160—170 процентдан адо этишаётир. Суратда: (ўнгдан биринчи қаторда) бригадир М. Кабиров, бригада аъзоларидан М. Тухшерер, С. Орипов, А. Ҳакимов, А. Аҳмаджонов, (иккинчи қаторда) С. Қўчқоров, А. Кривенков ва Ж. Исроилов ўртоқлар.

Шаҳарча тўла газлаштирилади

Массив қурилишида монтажчи ишчиларнинг катта бир армияси меҳнат қилаётир. Улар биноларнинг водопровод, канализация, санитария-техника тармоқларини ўрнатмоқдалар, уй-жойлар ва маданий-маиший муассасаларни газ билан таъминламоқдалар.

1959 йил давомида 1238 квартира газ билан таъминланди. Етти йилликнинг иккинчи йилида эса 961 квартирага, шунингдек Чиланзор кўчасидаги 150 га яқин хонадонга зангори ўт келтирилди.

Булар массивни газлаштириш бўйича қилинган дастлабки ишлардир. Белгиланган планга мувофиқ бу ерда қад кўтарадиган барча уй-жойлар газ билан тўла таъминланади. Шунинг учун ҳам бу соҳадаги ишлар кўлами янада кенгая боради. 1961 йилда ҳаммаси бўлиб 3 минг 800 квартира, бир неча умумий ётоқхоналар газлаштирилади. Январь ойида 400 га яқин квартира арзон ёқилғи билан таъминланди.

Биз шаҳримиз кўркига-кўрк қўшадиган бу массивдаги уйларни газ билан таъминлашни тинмай жадаллаштириб борамиз, жонажон партиямизнинг XXII съездини муносиб тортиқлар билан кутиб оламиз.

И. ҲИДОЯТОВ,

«Узсантехгазмонтаж» трести бошқарувчисининг ўринбосари.

ЧИЛАНЗОРНИНГ КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ

Чиланзор массивини Тошкент Черёмушкаси деб атайдилар. Ҳақиқатан ҳам ойнинг массивимиз қурилиш ҳажминнинг кенглиги, иш суръатининг тезлиги ва қад кўтараётган биноларнинг кўркамлиги билан Москва Черёмушкасига жуда ўхшаб кетади. Массивда уй-жой ва маданий-маиший муассасалар қурилиши 1956 йилда бошланган эди. Жонажон Коммунистик партиянинг XXI съездидан кейин қурилиш ишлари янада авж олди. Съезднинг мамлакатимизда уй-жой танқислигини яқин йиллар ичида тугатиш ҳақидаги кўрсатмалари бу ерда ишлаётган бинокорларнинг ғайрат ва ташаббусини ошириб юборди.

Партия топшириғининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун астойдил отланган трестимиз коллективи ўтган икки йил мобайнида жуда катта ҳажмда уй-жой ва маданий-маиший муассасалар қурилишини олиб борди. Бинокорларимиз ихтисослашган монтаж ташкилотлари коллективлари билан ҳамкорликда 1959 йилда 40 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой майдонини фойдаланишга топширдилар. Бундан ташқари, меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатувчи ўнлаб муассасалар ишга туширилди.

Етти йилликнинг иккинчи йилида янада каттароқ ҳажмдаги қурилиш ишларини амалга оширдик. **Йил давомида 1959 йилдагига нисбатан 28 минг квадрат метр кўп уй-жой биноси қад кўтарди.** Бир неча мактаб, ёзлик кинотеатр, клуб, ҳаммом, савдо точкалари, болалар боғчалари, яслилари ва бошқа муассасалар қурилди.

Трестимизга қарашли кўпчилик қурилиш бошқармаларининг коллективлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажармоқдалар. Айниқса, 1-қурилиш бошқармаси бинокорларининг иш тажрибаси диққатга сазовордир. Бошқарма коллективи капитал қурилиш бўйича белгиланган йиллик топшириқларни доимо ошириб адо этмоқда. 2 ва 4-қурилиш бошқармалари ҳам етти йиллик топшириқларини муваффақиятли бажараётир.

Фойдаланилаётган машина ва механизмлар сони тобора ортиб бормоқда. Бу, қурилиш ишлари суръатини ошириш ва сифатини яхшилашга ёрдам бераётир. Трест ҳузурида ихтисослашган механизация бошқармаси ташкил этдик. Бу, бинокорлик асбоб-ускуналаридан фойдаланиш кўрсаткичларини анча оширишга олиб келди. Ўтган икки йил мобайнида юзларча минг сўм жамғарма олинди. Бунга қурилишнинг индустриал методларини қўлланишни кенгайтириш туфайли эришилди. Темирбетон конструкциялари ва деталларидан яхшироқ фойдаланадиган бўлиб қолдик. 1959 йилда ҳар миллион сўм қурилиш-монтаж ишларини бажаришда 200 кубометрдан сал кўпроқ конструкциялар ўрнатилган бўлса, 1960 йилда бу кўрсаткич 290 кубометрни ташкил этди.

Бинокорларимиз орасида касбини жон-дилидан севувчи, меҳнатда жонбозлик кўрсатиб, бошқаларни орқасидан эргаштириб борувчи кишилар кўп. Раҳим Зияев шундай бинокорларнинг олдинги сафида бораётир. У раҳбарлик қилаётган комплекс бригада аъзолари трестимизда биринчи бўлиб коммунистик меҳнат бригадаси деган юксак номни қозонди. Бригаданинг донги бутун республикамизга кенг тарқалган. Пётр Сургучев, Ҳамид Кабиров, гагановачи Сколоменус ўртоқлар бошчилигидаги комплекс бригадалар меҳнати натижалари ҳам чакана эмас. Ёш инженер-техник ходимлардан Аминова, Мурейченко, Алиев, Зокиров ва бошқа ўртоқлар қурилишга моҳирлик билан раҳбарлик қилишмоқда, ўз прорабликларидаги объектларнинг белгиланган муддатларда қуриб битказилишига эришмоқдалар.

Етти йилликнинг икки йили давомида бажарилган ишлар массивни бунёд этиш учун бошланган катта курашнинг дастлабки натижаларидир. Чиланзорнинг келажаги порлоқ. **Етти йилликнинг охирига бориб бу ерда ҳозирги вақтда Самарқанд аҳолисига тенг келадиган миқдорда меҳнаткашлар яшайдиган бўлади. Уй-жой қурилиши билан бирга, ўнлаб йирик маданий-маиший муассасалар бунёд этилади. 50 минг том китоб бойлигига эга бўлган кутубхона, муҳташам клуб ва қишки кинотеатр биноси, стадион, 16 гектар майдонда маданият ва истироҳат боғи, 10 минг номерлик автоматтелефон станцияси, қўйингки, меҳнаткашларнинг кундалик турмушига зарур бўлган жуда кўп бошқа маданий-маиший муассасалар қурилади.**

Ана шу улкан ва масъулиятли вазифаларни тўла ва ошириб бажариш иштиёқи билан яшаётган бинокорларимиз етти йилликнинг учинчи йили планини муддатидан илгари адо этиш юзасидан оширилган мажбурият олдилар. 116 минг квадрат метр уй-жой саҳнини қуриб битказиш ва йиллик планни 20 декабргача бажаришга аҳд қилишди. Улар партия XXII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга астойдил бел боғлаб, зўр кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқдалар.

Ю. РУСТАМОВ,

153-қурилиш трести партия бюросининг секретари.

МАМНУНМАН

Партиямиз чақириғига жавобан массив қурилишига кўпгина комсомол ва ёшлар қатори мен ҳам келган эдим. Бу ердагилар мени яхши қарши олишди. Тажрибали бригадир ўртоқ Е. Портнова бошчилигидаги бўёқчилар бригадасига қабул қилишди. Бригада аъзолари менга ўз касбларини бажонидил ўргатишди. Аввалига қийналдим ҳам. Лекин орадан икки ой ўтгач, мустақил ишлайдиган бўлиб қолдим. Эндиликда ана шу аҳил ва иноқ бригаданинг ҳақиқий аъзосиман, иккинчи разрядли маляр бўлиб ишлаяпман.

Ишимиз жуда ҳам завқли. Йирик панеллардан қурилаётган биноларнинг хоналарини пардозлаймиз. Деворларини шпаклёвка қиламиз, сўнг унинг устидан ҳар хил рангда гуллар соламиз.

Қурилишга қўшаётган ҳиссамдан мамнунман.

Ҳ. АҲМЕДОВА,

монтаж бошқармасининг бўёқчиси.

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛ

Жуда катта ҳажмдаги қурилиш ишларини фақат қўл кучи билан амалга ошириш мумкин эмаслигини тасаввур қилиш қийин эмас. Массивдаги минглаб бинокорлар меҳнатини баракали қилаётган механизмлар, ўй-жой ва маданий-маиший муассасаларни қисқа муддат ичида қуриб битказишда асосий омил бўлмоқда. Бу ерда юзга яқин турли бинокорлик механизмлари ишлаб турибди.

Бу турли агрегатларни бошқараётган коллективимизнинг меҳнат натижалари ёмон эмас. Ўтган икки йил давомида ишлаб чиқаришнинг барча кўрсаткичлари ва айрим бинокорлик механизмларидан фойдаланиш топшириғи ошириб адо этилди. Масалан, 1959 йил плани 121,5 процент бажарилиб, 758 минг сўмлик давлат маблағи тежаб қолинди. Ўтган йили ишимиз ҳажми 2,5 миллион сўмлик ортишига қарамасдан, йиллик план 128 процент адо этилди, пландагидан ташқари 677 минг сўмлик қўшимча жамғарма олинди.

Механизаторларимиз бу йил ўтган йиллардагидек енг шимариб ишга киришдилар. Йиллик планни муддатидан 20 кун илгари адо этиш мақсадида бинокорлик машиналаридан унумли фойдаланишга интилмоқдалар.

Н. ИБРОҲИМОВ,

механизация бошқармасининг бульдозерчиси.

РЕПОРТАЖ

ҚЎЛИ ГУЛ БИНОКОРЛАР

Асфальт ётқизилган кенг кўчалар, уларнинг икки томонида қоматини кўтариб, кўкка бўй чўзиб турган ҳашаматли уй-жойлар, мактаблар, болалар боғчалари ва яслилари, магазин ва ателъеларнинг ҳаммаси массив ҳуснига ҳол бўлиб тушган. Ҳозирги вақтда каттагина шаҳар қиёфасини олган массив куи сайин эмас, балки соат сайин кенгайиб, кўркамлашиб бормоқда.

Турли хил бинокорлик материаллари ортган автомашиналар қатнови тинмайди. Бино пойдевори учун траншея ва котлован қазиётган экскаваторлар, майдонларни текислаётган бульдозер ва скреперлар, бинокорлик материалларини устки қаватларда ишлаётган қурувчиларга чиқариб бераётган кўтаома кранлар ва бошқа ўнлаб механизм ҳамда агрегатларнинг ҳайқириқлари узоқ-узоқларга таралмоқда...

Завод шароитида тайёрланган панеллардан ҳам кўплаб уйлар қурилмоқда. Ҳозиргача 14 та кўпқаватли уй қад кўтарди. Уларда 600 дан ортиқ оила истиқомат қилмоқда. Шундай уйларнинг бирига кирдик. Уй бўлганда ҳам ажойиб экан. Унда оиланинг яйраб яшаши учун барча қулайликлар яратиб берилибди. Ҳар хил ранглар билан бўялган хоналар ажиб товланади. Деворларига солинган безакларни айтмайсизми, кўзингизни қамаштиради. Ҳар бир квартирада ошхона ва ванналар бор. Хоҳлаган таомингизни газ плитасида пишираверасиз.

— Уйларимиз,— дейди ҳамроҳимиз, йирик панелли уй қурилиши комбинати пардозлаш бошқармасининг бошлиғи Сервер Абдуллаевич,— пол ва шипдан иситилади. Ҳа, ишонаверинг, пол ва шиплардаги панеллар орасидан трубалар ўтказилган, иссиқ буғ шу трубалардан ўтиб хоналарни иситади.

— Шундай уйларда яшашдан хурсандмисизлар? — сўрадик.

— Нимасини айтасиз,— жавоб берди рўзғор ишлари билан шуғулланувчи Мария Сафронова,— хурсанд бўлиш ҳам гепми, бу ерда яшаш жоннинг роҳати. Хотин-кизларнинг уй ишлари жуда ҳам енгиллаштирилган, зарур ҳамма нарса муҳайё. Ўтин, кўмир ташвишидан қутилганмиз.

— Шу уйларни қурганларнинг қўли дард кўрмасин, барака топишсин,— дейди қўшни квартирада яшовчи пенсионер Юсуф ота Илхомов.— Бизга шундай ғамхўрлик қилаётган партия ва ҳукуматимизга минг раҳмат.

Қайси уй ёки квартирага кирмайлик, истиқомат қилувчиларнинг қайси бири билан суҳбатлашмайлик, бинокорлар шаънига айтилган шундай илиқ ва яхши гапларнинг, миннатдорчилик туйғуларининг шоҳиди бўлдик...

Шундан сўнг бу уйларни бунёд этаётганлар ҳузурига йўл олдик. Осмон билан ўпишган минора кранлари изда мағрур юриб, ўзининг пўлат қўллари билан панель, коришма, тахталарни эҳтиёткорлик билан юқори қаватларга кўтариб бермоқда. Ҳар бир бино олдида биттадан кран бор. Мана, қудратли панеловоз ваҳиллаб келди-да, эндигина биринчи кавати йиғилаётган уй олдидаги кран тагида тўхтади. Монтажчиларнинг бири тезлик билан панеловозга чиқиб, конструкцияларни биринкетин кранга ила бошлади. Орадан бир дақиқа ҳам вақт ўтмасданоқ бир неча тонна оғирликдаги панель бинонинг белгиланган жойига оҳиста қўйилди. Бинокорлар жадал ишлашарди. Ўрнатилган панелларни фаркоплар билан вақтинча мустаҳкамлаб қўйишар, сўнг бошқа панелни жойига ўрнатишга ошиқишарди.

— Бу шоввозлар Михаил Васильевич бригадасидан бўлишади. Ўзлари ҳам роса ишлашади-да, кўп бригадалар улар билан беллашамиз деб уддасидан чиқиша олмади,— гап қотди Сервер Абдуллаевич.

Монтажчилар ишини завқ билан тамоша қилиб турган эдик. Бригадирнинг ўзи ҳам келиб қолди. Кун бинойидек совук бўлишига қарамай, паст бўйли, қотмадан келган бригадирнинг пешона ва юзларида тер доналари худди садафдай терилиб турарди. У биз билан қўл сиқишиб кўришар экан:

— Касбимиз шунақа нотинч,— деди.

Михаил Васильевич Черносцев биз билан суҳбатда бригаданинг 44 аъзоси борлиги, улар массивдаги қурилишга ҳисса қўшаётганлиги ҳақида хурсанд эканликлари, бир неча ой ичида 8 та уйни монтаж қилганлари, уларнинг 6 тасида меҳнаткашлар яшаётганлиги ҳақида гапириб берди.

— Ҳозир бир вақтнинг ўзида тўртта уйни монтаж қиляпмиз. Иккитаси ҳа демай пардозчиларга топширилади, 135-136-уйларни яқиндагина бошладик,— деди у ёнма-ён турган икки уйни кўрсатиб.

— Бир йўла тўртта уйни қандай қурасизлар?— сўрадик бригадирдан.

— Бригадамиз комплекс бригада,—изоҳ берабошлади ўртоқ Черносцев,— 8 хил касби бинокорлар бор. Ҳар касбдаги ишчилар бир звенони ташкил этишади. Монтажчилар звеноси панелларни жойлаштирса, рихтовкачилар конструкцияларни аниқ ўрнатишади, пайвандчилар уларни пайванд қиладилар, сўнгра бетончилар, дурадгорлар ишга тушишади... Ишни комплекс ташкил этиш бир йўла 3-4 бинони қуриш имконини бермоқда.

Коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашаётган бу коллективнинг иш кўрсаткичлари юксак. Декабрь топшириғини 150 процент, январникини эса 167 процент қилиб бажаришган. Февраль ойи плани 16 кунда адо этилибди. Монтажчилардан Х. Ғуломов, Г. Шишков, В. Гужвин, бетончилардан М. Камолов, В. Федотов, дурадгорлардан М. Синягин, пайвандчилардан Ф. Жарков, С. Аҳмедов ўртоқларнинг ҳар бири 4—5 тадан касбни билишади.

Тайёр уйлар қураётган Г. Апасов, Э. Муслимов ва Д. Ухман ўртоқлар бошчилигидаги бригадалар ҳам баракали ишлашаяпти. Улар кундалик топшириқни бир ярим баравларга етказиб адо этишаяпти.

Ўтган йили 14 та уй қурган монтажчилар партия XXII съезди шарафига бошланган мусобақага қўшилиб, бу йил пландаги 51 ўрнига 60 та тўрт қаватли, кўп квартирали уй қуришга аҳд қилишган.

М. МИРҲАМИДОВ.

Жамолиддин Шералиев қурилишнинг пешқадамларидан бири ҳисобланади. Ғишт терувчилик касбининг ижир-чикирларигача пухта ўрганиб олган бу меҳнатсевар бинокор смена топшириғини бир ярим баравларга етказиб адо этмоқда.

ИЛҒОР УСУЛЛАРНИ ҚЎЛЛАНИБ

Бир тан-бир жон бўлиб меҳнат қилаётган бошқармамиз коллективи кейинги икки йил ичида ўнлаб турар-жой биноларини қурди. 1959 йилда умумий саҳни 29 минг 300 квадрат метр бўлган квартираларни фойдаланишга топширдик. Бундан ташқари, 880 ўқувчига мўлжалланган мактаб, ҳар бири юз ўринлик иккита болалар боғчаси, болалар яслиси, 4 та савдо точкаси ишга туширилди.

Етти йилликнинг иккинчи йилида пландаги 35 минг 30 квадрат метр ўрнига деярли 40 минг квадрат метр турар-жойлар, ҳар бири 100 ўринлик иккита болалар боғчаси, 1 та юз ўринлик болалар яслиси, ҳар бири 2150 квадрат метр саҳнли учта умумий ётоқхона қад кўтарди. Шу йили 52,1 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштириб, планни 136 процент бажардик.

Жамғарма тўплаш бўйича белгиланган топшириқлар ҳам ортиғи билан адо этилди. 824 минг сўм ўрнига 1 миллион 595 минг сўм фойда олдик.

Биз бундай муваффақиятларга илғор технология, прогрессив иш усулларини кенг жорий қилиш, бинокорликни янада механизациялаш, индустриал методларни қўлланиш туфайли эришмоқдамиз. Олдиндан таранг қилиб тортилган йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталларидан кенг фойдаланмоқдамиз. Масалан, 1960 йилда ҳар миллион сўмлик қурилиш ишларини бажаришда фойдаланилган йиғма темир-бетон конструкцияларининг миқдори 392 кубометрга етди.

Тажриба шуни кўрсатдики, тезкорлик билан бино қуриш объектнинг сифатига салбий эмас, балки ижобий таъсир кўрсатар экан. Масалан, ҳар бири 36 квартирали кўп қаватли иккита уйнинг коробкаси 25—40 кун ичида қурилиб бўлди. Илгари эса бундай уйлар бир неча ойлаб бунёд этиларди. Шунингдек ҳар бири 411 ўринлик учта ётоқхона ва иккита беш қаватли уйларни қуриш ишлари 79—118 иш кунида тугалланди. **Бунда ҳар бир квадрат метр уй-жой саҳнини қуриш учун ўрта ҳисобда 3,1 ишчи куни сарфланди. Натижада бу бинолар қурилиши учун ажратилган маблағнинг қарийб 500 минг сўми тежаб қолинди.**

1961 йилда зиммамизга юклатилган вазифалар янада улкан. Ўтган йилдагига нисбатан бажариладиган ишлар ҳажми бир ярим баравар ошади. Йил давомида 30 минг квадрат метр уй-жой, 5 та мактаб, туғруқхона, ҳаммом, болалар боғчалари ва яслилари ҳамда ўнлаб савдо точкаларини ишга тушурамиз. Етти йилликнинг учинчи йили топшириқларини ҳам тўла ва ошириб бажариш учун барча имкониятларга эгамиз.

Е. КИРИЕНКО,

153-қурилиш трести 1-бошқармасининг бошлиғи.

Бу саҳифани ташкил этишда «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 153-қурилиш трестидаги ишчи-мухбирлар пости аъзолари — трест комсомол комитетининг секретари Ш. Бекмуродов, 1-қурилиш бошқармасининг дурадгори А. Тараненко, 12-қурилиш бошқармасининг сувоқчиси С. Жамолбеков ўртоқлар иштирок этишди.

Суратда: йирик панеллардан қад кўтарган уй-жой бинолари.

А. Абалян фотолари.

Чорак асрлик ижод маҳсули

Биология фанлари доктори, профессор Е. П. Коровин кўпдан бери Ўрта Осиё территориясида ўсадиган ўсимликлар билан қизиқиб келади. 25 йиллик изланиш яқинда Ўзбекистон Фанлар академияси ботаника институти томонидан нашр қилинган «Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистон ўсимликлари» асарининг босмадан чиқиши билан якунланди. Асарнинг биринчи томи 2 минг нусхада нашр этилди. Бу томда ўсимликнинг пайдо бўлиши, тараққиёт тарихи ва хозирги кўриниши автор томонидан полеоботаник далиллар асосида чуқур анализ қилиб берилган. Шунингдек, бунда Ўрта Осиё ва Қозоғистон ўсимликларининг типлари, уларни классификациялаш методлари, принциплари ва ҳаётий формалари ҳам кенг тасвирланган.

Автор ўз тадқиқотида бу территорияларда ўсаётган ўсимликларнинг биологик хусусиятлари, уларнинг тарқалиш қонуниятлари ҳамда табиий ўсимлик бойликларидан фойдаланиш ва фойдали ўсимликларни кўпайтириш тадбирларини ҳам белгилаб берган.

Бу китобдан олий ўқув юртларининг биология-тупроқшунослик, табиатшунослик факультетларида муҳим қўлланма сифатида фойдаланилса бўлади.

Ў. ПРАТОВ,
С. ҲОЛИҚОВ.

Тошкентдаги мевали дарахт кўчатлари етиштириладиган совхозда кўчат ўтқазиш ойлиги бошлангандан буён областимизнинг колхоз ва совхозларига бир миллион 200 минг тупдан ортиқ дарахт ва ток кўчатлари ҳамда 200 минг тупдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари тарқатилди. Суратда: совхоз агрономи ўртоқ М. Алимов (чапда) Оржоникидзе районидаги Навоий номли колхознинг бригадири ўртоқ И. Раззоқовга кўчат танлаб бермоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

„БОЛАЛАР МЕҲМОНХОНАСИ“

ОҲАНГАРОН, (ЎзТАГ). Қўнғироқ сўнгги бор жиринглади. Қўйи синфларда ўқиётган бир тўда болалар мактабдан чиқиб, катта турар-жой биноси томон йўл оладилар. Бу ерда бир қанча йигит ва қизлар болаларни кутиб олиб, уларни болалар мебеллари билан жиҳозланган шинам хонага бошлаб кирадилар.

«Болалар меҳмонхонаси» деб ном берилган бу хона Катта Оҳангароннинг иккинчи кварталида яшовчи кишиларнинг ташаббуси билан ташкил этилган. Бу хона Оҳангарон ГРЭСи комсомоллари ёрдамида жиҳозланган.

Халқаро аҳвол

КОНГО ХАЛҚИНИНГ КЎКСИГА ҚАДАЛГАН ПИЧОҚ

ПАРИЖ, 12 март. (ТАСС). Бугун Мальгаш Республикасининг пойтахти Тананариведа Конго хоинлари ва қўғирчоқларнинг кенгаши тамом бўлди.

Конгонинг «мустақил» давлатларга парчаланишини мустаҳкамлаш империалистлар агентларининг ўзаро тил бириктириб чиқарган асосий қароридир. Ана шу «мустақил» давлатлар мустамлакачи давлатларнинг ҳукмронлигини ниқобловчи пардадан бошқа бир нарса эмас. Тананариве кенгашининг қатнашчилари ана шундай қарор чиқариш билан Конго Республикаси марказий ҳукуматини ва Касавубунинг фотиҳаси билан Мобуту бандитлари томонидан тарқатиб юборилган Конго қонуний парламентини тамомила йўқ қилиб юборишга уринмоқдалар.

Америка пропагандаси бу кенгашни Конго кризисини «бартараф қилиш учун бирдан-бир имконият» яратиб берган кенгаш деб кўкларга кўтариб мақтади. Бу кенгашда «Конгонинг ҳақиқий ҳокимлари» деб аталган кишилар хоин президент Касавубу ва у тайинлаган «бош министр» Илео, Катанганинг қўғирчоқ ҳокими Чомбе, Жанубий Касаи «конруда давлати»нинг бошлиғи Калонжи, шунингдек баъзи вилоятлар маъмурларининг вакиллари қатнашдилар.

АҚШ давлат секретарининг Африка ишлари бўйича ўринбосари Уильямс Конгода бўлиб, Касавубу билан махфий музокаралар олиб борган чоқда Тананариведа учрашиш тўғрисида бир қарорга келинган эди.

Франс Пресс агентлиги мухбирининг хабар беришича, Тананариведа кенгаш ўтказган хоинлар ва қўғирчоқлар Конго давлатининг бутунлиги ва мустақиллигини сақлаб қолиш учун курашаётган Конго халқини алдамоқчи бўлиб, конфедерация президенти ва бу конфедерацияда аъзо бўлган «давлатлар» президентларидан иборат «давлат кенгаши» тузишга қарор берганлар. Касавубу конфедерацияннинг президенти деб эълон қилинган.

Тананариве кенгашининг қатнашчилари Хавфсизлик Кенгашининг 1961 йил 21 февралда қабул қилган ва Бельгиянинг ҳарбий ходимлари ҳамда бошқа ходимларини Конго территориясидан дарҳол олиб чиқиб кетишни кўзда тутган резолюциясини «бекор қилиш»ни «талаб қилганлар».

БЕЛЬГИЯ ОФИЦЕРЛАРИ КОНГОГА БОРМОҚДАЛАР

ПРАГА. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг Бельгия ҳарбий ходимларининг ҳаммасини Конгодан чиқариш ҳақидаги қарорига зид ўлароқ Бельгия офицерларининг тобора янгидан-янги группалари бу мамлакатга келиб турибди. Чехословакия телеграф агентлигининг хабар қилишича, Бельгия офицерларидан 19 киши 9 март куни Леопольдвилга етиб келган. Бу офицерлар шу оннинг ўзидаёқ Тисвилдаги ҳарбий лагерга жўнатилган. Улар бу ерда Мобуту солдатларини машқ қилдирадилар.

УММОН ВАТАНПАРВАРЛАРИ КУРАШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДАЛАР

ҚОҲИРА, 12 март. (ТАСС). Уммон имоматининг Қоҳирадаги ваколатхонаси баёнот эълон қилди. Баёнотда айтилишича, инглиз қўшинлари Бурайми районидаги аҳоли яшайдиган Мазид пунктини босиб олганлар.

Ана шу агрессив ҳаракат, дейилади баёнотда, Уммондаги аҳволни янада кескинлаштиради. Уммон ватанпарварлари инглиз оккупациячи қўшинларига қарши курашни давом эттиришга қатъий бел боғлаганлар.

Баёнотда яна хабар берилишича, Рустак районида Уммон ватанпарварлари кўмган минанинг портлаши натижасида инглиз оккупациячиларидан уч киши ва оккупациячиларга ёлланган бир солдат ўлган.

ЛАОС ВАТАНПАРВАРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

НЬЮ-ЙОРК, 12 март. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири Вьентьяндан хабар беради: Патет-Лао қўшинлари Сала-Фукунтан 22 миля нарида жойлашган Муонг-Касси шаҳрини ишғол қилдилар.

Ўзбекистон муваффақиятлари Африка халқлари учун яхши намунадир

Мали Республикасининг ички ишлар ва ахборот министри Мадейра Кейта бошчилигидаги дўстлик ва яхши ният миссияси Ўзбекистонда уч кун меҳмон бўлиб турди.

Африкадаги ёш давлат вакиллари республика ҳаёти билан танишишни давом эттириб, ўтган якшанба куни Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозини бориб кўрдилар, сўнгра эса Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини тамоша қилдилар. Меҳмонлар Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармасида бўлдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов Мали Республикаси дўстлик ва яхши ният миссияси шарафига қабул маросими ўтказди. Қабул маросими саминий ва дўстона вазиятда ўтди. Қабул маросими вақтида С. О. Азимов ва Мадейра Кейта нутқ сўзладилар.

Меҳмонлар 13 март эрталаб Тошкентдан Москвага жўнаб кетдилар. Аэродромда С. О. Азимов, республика министрлари. Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министрлигининг масъул ходимлари, жамоатчилик ва матбуот вакиллари меҳмонларни кузатиб қолдилар.

Жўнаш олдидан миссия бошлиғи Мадейра Кейта Ўзбекистон телеграф агентлигининг мухбири Г. Климентьев билан бўлган суҳбатда экономика ва маданиятни ривожлантиришда ўзбек халқининг ажойиб муваффақиятлари унинг ўзида ва йўлдошларида катта таассурот қолдирганлигини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон — янги ҳаёт барпо этиш йўлидан бораётган халқлар учун яхши намунадир дейди Мадейра Кейта. Бу намуна бизга мустамлака зулмидан халос бўлган ёш давлат нақадар катта тараққиётга эришиши мумкинлигини кўрсатади.

Совет кишиларининг Африка халқлари озодлик курашига нисбатан саминий ҳайрихоҳлиги, Патрис Лумумба ўлдирилганлиги муносабати билан уларнинг қаҳр-ғазаб тўла норозиликлари бизни ниҳоят даражада тўлқинлантирди, дейди Мадейра Кейта. (ЎзТАГ).

КАСИМИРО КАЛЕРО

(Куба ҳақидаги воқеий ҳикоялардан)

Ҳамид ҒУЛОМ

Санта Клара — Куба оролининг марказидаги қадимий шаҳар. Тошкентдан Андижонга йўлга чиққан киши Қўқонда тунаб ўтганидек, Гаванадан Сант-Ягога йўлга чиққан киши ҳам Санта Кларада албатта тунаб ўтади.

Биз ҳам Санта Кларага кечга яқин етиб келиб, «Санта Клара Либре», яъни «Озод Санта Клара» меҳмонхонасига тушдик.

Шаҳар кездик.

Мева бозорида ва унинг қаторидаги ошпазлик дўконларида одам кўп. Шода-шода қизил мандаринлар, боғ-боғ бананлар, урганч қовунини эслатувчи «тарвуз-бомба»лар, апельсинлар, лимонлар... яна аллақанча анвойи мевалар кўзингизни қамаштиради.

Йўл ёқасига тизилган ошпазлик дўконларидаги қозонларда ёғ қайнаяпти. Нима истайсиз: гўштми, балиқми, бананми — ошпаз қозондаги ёққа ташлаб беради. Айни вақтда ҳиди гуркираб турган узум сиркаси, Бешариғимизнинг оқ пиёзини эслатувчи чучук пиёз ва аччиққина қалампир билан сийланасиз.

Ана шундай дўконларнинг бирида овқатланиб бўлиб, мандарин шодасини билакка осиб олиб арчиб ўтирган эдик, ҳамроҳларимиздан бири шу яқин ўртадаги кооперативлардан бирига бориш орзусини билдирди. Дарвоқе, оқшомга ҳеч нарса планлаштирилмаган, вақтимиз бўш эди. Чарчаш нималигини билмайдиган шоферимиз Карлос ҳам кооперативга боришга тайёрлигини билдирди. Шу сабабларга кўра, таклиф бир оғиздан маъқулланди.

Санта Кларадан қоронги тушабошлаганда чиқдик. Кубанинг вилоятларига олиб борадиган дала йўлларида революция аломатлари: шиорлар, плакатлар ва турли ёзувларга дуч келасиз. Булар ичида «ИНРА» деган ёзув деҳқонлар учун энг азиз ёзувдир. «ИНРА» — Аграр реформа институти демакдир. Бу ердаги институт сўзининг маъноси кенг бўлиб, қишлоқда революция деган мазмунни англатади.

Биринчи «ИНРА» ёзуви олдида тўхтадик. Шакар қамиш ортиб, энди жўнамоқчи бўлиб турган машиналардан бирининг кабинасига яқинлашдик. Елкасига автомат ортган шофер кабинадан сакраб тушиб, биз билан саломлашди-да:

— Компаньеро совиет? — деб сўради.

Биз унинг кароматига таъ берганимизни айтиб, кооператив идорасига олиб борадиган йўлни кўрсатишни илтимос қилдик.

Шофер бошини чайқади.

— Кеч бўлиб қолди. Маслаҳат бермайман...

Карлос мотори гуриллаб турган «кадиллак»ка ишора қилди. Яъни, «машинамиз шай» деган маъноси англатди.

Шофер чапга кетган йўлни кўрсатиб, Итау қишлоғини сўрашимиз кераклигини айтди-да, машинасига чиқди.

Шакар қамиш ортган карвон Санта Кларага йўл олди.

Биз Итау йўлига бурилишимиз билан йўл ёқасидаги пальмазордан икки автоматчи чиқиб келиб қўл кўтарди.

Карлос «кадиллак»ни тўхтатди.

Ҳаворанг машина чироқлари ёруғида милиция соқчиларини кўрдик. Уларнинг бири — думалоқ юзини қалин соқол қоплаган, ўрта ёшлик барваста лейтенант, иккинчиси озгингина ёш бола эди.

Карлос меҳмонларнинг кимлигини, қаерга бораётганини қизғин сўзлай кетди. Лейтенант унинг сўзларини кулиб тингларкан, машина ичидагиларни синчиклаб кўздан кечирди. Милиционер бола эса автоматини маҳкам ушлаганича қотиб турди.

Лейтенант бизга йўл бераркан, шакар қамиш ортган машинанинг шофери айтган Итау қишлоғига қўшимча қилиб, Моралис Брито кооперативини сўранглар, деди.

Моралис Брито номини эшитган Карлоснинг кўзлари ёнди. Машинани дала йўлидан учириб борар экан:

— Брито! Брито!.. — деб ҳаяжонланиб таърифлади. — Мен уни билардим. Комбат Брито!.. Сьерра Маэстра тоғларида курашди. Санта Кларани Батиста жаллодларидан озод қилишда қатнашди. Шу жангларнинг бирида Брито ҳалок бўлган эди... Новча, қотма, озғин, ўйчан, ақлли йигит эди Брито...

Карлос бир оз жим қолди. Ҳўрсинди. Иккита бўлинган йўлнинг қайсисига юришни билмай, машинани тўхтатди.

Яна ғойибдан автоматчилар пайдо бўлди. Бу гал милиция соқчилари фақат қизлар эди. Улар бир зумда машинани ўраб олишди.

Карлос машинадан сакраб чиқиб, қизлардан Моралис Брито кооперативини сўради.

— Ўнга,— деди погонида учта юлдузи бўлган қиз — милиция биринчи лейтенанти.

Яна жиллик.

Уфқни қоронғилик буткул қоплади. Боғлардаги мандарин дарахтларини садарайҳондан фарқ қилиб бўлмай қолди. Текис йўл тугаб, ғоҳ тепага чиқиб, ғоҳ пастга тушабошладик. Милт этган чироқ кўриниб қолди. Йўл ёқаларида, шакарпоя денгизи қиргоқларида ёлғиз автоматчилар кўзга ташланади. Улар машинамиз кетидан тикилиб қарайди-да, аллақаёққа ғойиб бўлади.

Карлос ҳамон ўйчан.

— Олов йигит эди,— деди у, аллаким билан сўзлашаётгандай.— Энди кооперативнинг оти бўлиб қолибди. Брито! Брито!...

Ярим соатча юрганимиздан кейин кенг тепа устида оқ уйлар кўринди.

— Моралис Брито!— деб қичқириб юборди Карлос.— Дўстим Моралис Брито!...

Моралис Брито қишлоғи уч-тўрт қатор оқ уйлардан иборат бўлиб, битта ҳам чироқ кўринмас, бу уйларнинг янгигина қурилгани, ҳали электр келтириб улгурмаганлари сезилиб турарди.

Биз машинадан тушишимиз билан яна бир тўда автоматчилар ўраб олишди. Аммо булар армия солдатлари ҳам, милиция аъзолари ҳам бўлмай, қуроллангаи оддий деҳқонлар эди. Уларнинг ичидаги энг новча, барваста киши машинага яқинлашиб:

— Синьорлар, ҳужжат?— деди.

Карлос қўл фонарини ёқиб турди, биз ҳужжатларимизни кўрсатдик.

Барваста киши чаласавод бўлса керак, хатни узун бурни тепасига олиб бориб ҳижжалаб ўқиди.

Юраги тор Карлоснинг сабр косаси тўлиб:

— Бўлди-да! Ҳижжалаганинг билан ёғи чиқадими!— деб тўнғиллади.

Новча киши унинг қўпол муомаласига парво ҳам қилмай, ўқишда давом этди. Бошқа қуролли деҳқонлар турган ерларида қотиб туришди.

Барваста киши ҳамма ҳужжатларни бирма-бир кўздан кечириб қоникли шеклли, кенг тин олиб:

— Бу бошқа гап!— деди ва қўшиб қўйди:— Марҳамат, синьорлар!

Кўришдик.

— Сиз ўзингиз ким бўласиз?— деб сўрадик, новча кишидан.

— Менинг отим Касимиро,— деди у,— Касимиро Калеро. Моралис Бритонинг оғайнисиман. Қўлимда жон берган...

Карлосга қарадим. Йигитнинг қисиқ кўзлари яна ёниб, Калеронинг елкасини қоқди:

— Кечир, ошнам, қўполлигимни кечир!..

Касимиро Калеро Карлосга бу гал ҳам индамай, меҳмонларга тикилиб тураверди.

Ҳамроҳларимиздан бири суҳбатни жонлантириб юбориш учун савол ташлади:

— Халқнинг бойлиги нима?

— Халқнинг бойлиги — Куба!— деб жавоб қилди Касимиро дафъатан.

Савол берган киши: «Кооперативнинг асосий экини нима?» деб сўрамоқчи эди, Касимиро бошқача тушунди.

— Йўқ, — деди у, — Куба ҳақидаги воқеий ҳикоялардан ёзмоқчисиз. Ҳаётимиз ҳақидаги